

Жалолиддин РУМИЙ

Сен уммондаги томчи эмассан, томчидаги яхлит уммонсан...

КИТОБСИЗ КЕЛАЖАК ЙЎҚ!

Шавкат МИРЗИЁЕВ

Kitob dunyosi

Маънавий-маърифий, адабий-бадний, ижтимоий-сиёсий газета

№ 03 (316)
2020 йил
26 февраль.
Газета ҳар ойнинг иккинчи ва тўртинчи чоршанбасида чоп этилади.




Габриэль Гарсиа МАРКЕС

Инсонлар қариганлари учун орзуларига интильмай қўйишади деган фикр нотўғри. Чунки инсонлар орзу қилмай қўйганлари учун қарийдилар.

Бизни билган билади, билмаган ўзи билади.

Жалолиддин РУМИЙ



МАНТИҚ СИЗНИ А ДАН Б ПУНКТГА ОЛИБ БОРАДИ. ТАСАВВУР ЭСА СИЗНИ ҲАММА ЖОЙГА ОЛИБ БОРАДИ.

Алберт ЭЙНШТЕЙН



ЗЎРЛИК ҲУҚМРОН БЎЛГАН ЖАМОАТНИНГ ҚОНУНИ ШУНДАЙ: Ё СЕН ЭГАРДА ЎЛТИРУРСАН, Ё СЕНГА ЭГАР ЎРНАТУРЛАР.

ФИРДАВСИЙ



ЁЗУВЧИ ТИРИКЛИГИДА УНИНГ ҲАЁТИДАН НУҚСОН ИЗЛАЙДИЛАР. ЁЗУВЧИ ДУНЁДАН КЕТГАЧ, УНДАН ФАҚАТ ФАЗИЛАТ ИЗЛАЙДИЛАР.

Тоғay МУРОД



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Туркия Президенти девони кутубхонаси очилиши муносабати билан Туркия давлати раҳбари Режеб Тоййиб Эрдоғанга Юнус Эмронинг ўзбек тилига янги таржима қилинган китобини совға қилди. Ушбу китобни Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси, Халқаро Бобур мукофоти соҳиби Мирзо Кенжабек ўзбек тилига таржима қилган.

Ўзбекистон ислом цивилизацияси маркази бўлим бошлиғи,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси,
Халқаро Бобур мукофоти соҳиби
Мирзо КЕНЖАБЕК

Мухтарам Мирзо КЕНЖАБЕК

Давлатимиз раҳбарининг Туркия Республикасига ташири муносабати билан атоқли турк шоири Юнус Эмронинг "Ўлмас қонғул" номли шайрий китобини нашрга тайёрлашда яқиндан берган ёрдам ва қўмақларини учун самимий миннатдорлик билдираман.

Ушбу муқаддас китобнинг қисқа фурсатда юзори сифатда чоп этилиши йўлида кўрсатган ғайрат ва ижодий маҳоратининг алоҳида эътироф этамиз.

Шарҳ халқларининг машҳур шоирларидан бўлиши Юнус Эмронинг янги китоби Туркия жамоатчилиги томонидан ҳам гоҳат қизгин кутиб олинди.

Айни пайтда, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳамкорлигида ушбу тўпламни кенгроқ аҳадада нашр этиш режаси кўрилмоқда.

Сизнинг бой билим ва тажрибангиз бу каби хайрли ишларни амалга оширишда ҳамisha зарур бўлади. Шу боис, ижодий ҳамкорлигингиз хали узоқ давом этади, деб умид билдираман.

Самимий ҳурмат ва эҳтиром билан

Хайриддин СУЛТОНОВ
2020 йил 24 февраль.

Америка шоири ўзбек адабиёти фуқаролигини олди


Мен ўзбек таржима адабиётида номим қолаётганидан мамнуният ва миннатдорлик ҳис этаман. Фақатгина санъат ва ижтимоий фанлар доктори сифатида адабиёт ва бадий таржимага диққат қаратганим учун эмас, балки ўзим ҳам профессионал бадий таржимон бўлганим учун бу соҳанинг нақадар аҳамиятлилигини яхши англайман. Шунга иқрор бўлишим керакки, шеърларимни бири инглиз тилидан унчалик бохабар бўлмаган, бошқа бири хали йигирмага тулмаган, қолаверса, бадийи уғирма борасида суяғи тузукроқ қотиб улгурмаган, ҳатто олийгоҳ таълимини

ҳам кўрмаган икки киши ўзбеклаштиришидан хабар топгач, охири бахайр бўлармикан деган андишага бордим. Шунга қарамай, бу ишда бош-қош бўлган инсонларга инонганим учун, уларнинг маҳоратига шубҳа қилмасликка уриндим. Бироқ, бу икковлоннинг бири таниқли ўзбек шоири Одил Икром, яна бири «Китоб дунёси»нинг истеъдодли таржимони Мирзоқид Музаффар экани ойдинлашгач, хавотирга сира урин қолмади. Айниқса, дунёга машҳур ўзбек шоира ва журналисти Хосият Рустамова китобимга муҳаррирлик қилиши қувончимни бешак оширди. Айни

дамда моҳирона безатилиб, чоп этилган китобимиз - «46 саҳифа»нинг бир неча нусхаси қўлимда. Ушбу тўпламни аллақачон мутолаа этиб улгурган ўзбек китобхонларининг фикрларини ўрганиб, шундай ажойиб лойиҳада иштирок этганимдан гоҳятда мамнун бўлдим. Жозибадор сўزلарга нуноқлимим боис, ушбу китоб дунё юзини кўришида бош қўшган барчага самимий миннатдорчилигимни изҳор этмоқчиман: ҳадди аълосида бажарилган эзгу амалингиз учун ташаккур сизларга!

2-бет

Гекя МАРИНАЙ



БИЛМАДИМ, ЭҲТИМОЛ, ОДАМЗОД ФАРИШТА БЎЛИБ ТУГИЛСА-ТУГИЛАР. АММО БИР УМР ФАРИШТА БЎЛИБ ЯШОЛМАЙДИ. ҲЕЧ КИМ! ҲЕЧ КИМ ФАРИШТА ЭМАС. ФАҚАТ ЎЗИНИ ОП-НОҚ ҚИЛИБ КЎРСАТГИСИ КЕЛАДИ. МИНГ УРИНГАНИ БИЛАН ФАРИШТА БЎЛОЛМАЙДИ. ЙЎЛИДАН ШУНАҚАНГИ ШАЙТОНЛАР КЕСИБ ЧИҚАДИКИ, ГУНОҲГА БОТГАНИНИ ЎЗИ ҲАМ СЕЗМАЙ ҚОЛАДИ.

Ўткир ҲОШИМОВ

ҲАЁТ ҲАҚИДАГИ ҲАММА ДОЛЗАРБ ФИКРЛАР УЗОҚ ЎТМИШДА АЙТИБ ЎТИЛГАН, АММО ЎЗ ВАҚТИДА ҲЕЧ КИМ ҚУЛОҚ СОЛМАГАНИ УЧУН ҲАМ БИЗ ШЎРЛИК ЯНГИ АВЛОДГА МУМТОЗ ФАЙЛАСУФЛАРНИ ЎКИШ ВА УКИШ ЗАРУРАТИ ТУГИЛАЯПТИ.

Андре МОРУА



КИТОБ ЎҚИЙДИГАН КИШИ ВА-ФОТИГА ҚАДАР МИНГЛАБ ҲАЁТДА ЯШАЙДИ. ҲЕЧ НАРСА ЎҚИМАЙДИ-ГАН КИШИ ЭСА ФАҚАТ БИТТА ҲА-ЁТДА ЯШАЙДИ.

Жорж МАРТИН



ФАҚАТ ЎЗИНИНГ КУНИГА ЯРАЙДИГАН ОДАМ – ҲЕЧ НАРСАГА ЯРАМАЙДИГАН ОДАМДИР!

ВОЛТЕР

Чин адабиёт ихлосмандларига маълум – маданиятию маърифати, тилию адабиёти, урф-одатларини кадриятлари бир-биринга чамбарчас бўлмиш ўзбек ва озар халқлари ўртасидаги маданий, адабий алоқалар тарихи узоқ асрларга бориб тақалади. Бир-бирдан минглаб қақиримларга чўзилган олисликларда бўлса-да, Ўзбекистон ва Озарбойжон элатларини туркий қавмга мансублиги учун ҳам уларнинг дили бир, тили бир. Мазкур адабий алоқалар, айтиш мумкин, Алишер Навоийнинг Низомий "панжасига панжа уриш"га журъат этганидан бошланган. Беш аср аввал тамал тоши қўйилган адабий



Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси фахрий аъзолигига қабул қилинди

алоқалар натижаси ўлароқ, бугун Озарбойжонда Алишер Навоий суюб ўқилади, Ўзбекистонда Насимий кунлари ўтказилади, Анор каби адиблар асарлари ўзбекчага ўгирилади. Бу алоқаларнинг мантиқий давоми ўлароқ эса 2019 йилнинг сўнггида Ўзбекистонда озар, Озарбойжонда ўзбек адабиёти тарғиботчиси, шоира Хосият Рустамова Озарбойжон Ёзувчилар бирлиги фахрий аъзосилигига қабул қилинди. Куни кеча эса навоийшунос олима, филология фанлари доктори, профессор Олмос Улвий, Навоийнинг "Хамса"сини хассослик ила озар тилига таржима қилган филология фанлари доктори,

профессор Рамз Асқар ҳамда филология фанлари номзоди Акиф Багиров Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси фахрий аъзолигига қабул қилинди. Бу хушхабар шундан дарак берадики, демак, ўзбек-озар адабий, маданий алоқалари янада мустаҳкамланади, қўллаб-забардаст адибу шоирлар икки тилда "сўйлайди". Биз уч заҳматқаш ижодкорни ушбу фахрий унвон билан чин дилдан самимий муборакбод этиб, маърифат йўлида уларнинг юракларидagi олов сира ўчмаслигини тилаб қоламиз. Зотан, зиё тарқатувчи соҳада туну кун меҳнат қилганлар, таъбир жоиз бўлса, чин инсон мақомига лойиқдир.



Шарифа САЛИМОВА

БУ ҚУШЛАР

Бу қушлар сайроғи жонни олади, Тун асир тушади... Чекинар зулмат. Ой бир жойда тўхтаб, қулоқ солади, Дунё дунё эмас, бир олам ҳайрат...

БАҲОР ЯҚИН

Баҳор яқин, гул баҳор яқин... Хўрсинади куртаклар бедор. Само кўксин тилади чақин, Қиш қалбидан кетган ихтиёр...

Дарахтларни қуршар ҳаяжон. Эндигина унган майсанинг, Юзин силар ҳовлиққанча ел. Тоғу тошлар қарсиллаб кетар...

Баҳор яқин, оҳ, баҳор яқин...

НАҲОТ

Дарахтларга арра солишди, Кўз ёш тўқди яшил қабристон. Қушлар йиғлаб, аза очилди, Чирқиллади ночор попон...

ХАЙР, ДҲРМОН

Хайр, Дўрмон! Мен кетар бўлдим. Ранжимагин, кўксинг ёнмасин. Мен бағринга райҳон эккандим, Қараб тургин, сўлиб қолмасин...

Тун тонг, дея, илтижо айлаб, Нур бағрида йўқотгач тусин. Эшитганим боғлар оралаб, Келаётган пирлар товшин...

МЕНДАН ХАФА БЎЛДИНГМИ, ОСМОН

Мендан хафа бўлдингми, осмон, Йиғлаясан кечаю-кундуз. Ё бехосдан бир гул уздимми, Ё пойимда эзилди илди...

УЧИБ ЮРАР БИТТА ОЛТИН ҚУШ

Учиб юрар битта олтин қуш, Қўрқамлиги кўзни олади. Самодаги дунё қушлари Унга қараб, ҳайрон қолади...

Кумуш булоқ сувини тутар. Эрқаланиб, кафтимга кўниб, Юзларимга суртганда бошин...

ДҲРМОН ЧИНОРЛАРИ

Бу улкан чинорлар мамлакатида Тоза, соф ҳаволар ҳукм суради. Бунда сир-синоат ҳатто япроқлар, Қушчалар одамаг ўхшаб кулади...

Аччиқ, жуда аччиқ Ҳақиқат таъмин... Тилни куйдиради, бўғизни йиртар. Само кўзидаги ёши тинмайди...

ЁМФИР ЁҒАЁТИР ОСМОН КЎЗИДАН

Нега кўнглимни сен эзасан мудои, Нега тегирмон тош билмайди тиним. Ахир, бир зумгина танингда ўйла...

Сендан-да яқинроқ яна бор кимим? Ой само кўксидан кетмағай нари, Юлдузлар фалақдан кетмайди йироқ...

БОЛАМ КУЛГУСИДА

Умрим баҳорининг эпкинларида Аллоҳ менга тутди бир даста райҳон. Жаннат насимлари ҳур-ҳур эсдилар, Қушлар олқишлади юрти беармон...

ҚИЁС

Кўзани ясаган қулоқ жимгина Гўзал санъатига умр сўрайди. Нақшлар жилоси кўзин ёндириб, Заҳматли тунларни тонга улайди...

Сизларнинг энг яхшиларингиз – хотинларга нисбатан яхшиларингиздир.

Ҳадисдан


кўзунчоқдай уч бола. Айтсин Худойберди. Десин бир нима. "Севдим", деди Худойберди. Тап тортмади. "Севсам не қилар?" деди. Шунча йил ўтиб бу гап...

гимой қолаберди. Энаси кетаберди узокларга. Укаси кетди Бегимойнинг. Йиғлай-йиғлай кетди жондошлари. Йиғлай-йиғлай қолди Бегимой. Энаси билдирмайгина узатди бир нима кетар ҳадди...

аёл, падари сийлаган аёл. Унинг бу ёндошуви қариндошларга эриш туюлса-да, ўзигагина ёвуқ. Уруғларининг тўйида Малак момо ҳам кўриниб қолганда...

ган биргина қут, ёдгорлик деб асраган узук не бўлдио ер ютгандай йўқолди қолди. Қўрмиликкана эди. Ичи бирам куйди, бирам куйди. Кенжа келинимга, деб эди...

Чиннидай нозик. Ота-она уйга қамаган билан эл билмай қоларми? Сазойидек, савдойидек... Ҳаммаси ёт. Бари идек. Биргина узук таниш... Йўқолган узук...



меникига борасиз". Талаш. Ўз укалари мийиғида кулади. Келинлар жимириб-жимириб ўсмоқчилайди. Опажон, сизни Малак момо тўққан экан, билмабимиз-а, қаранг. Ҳадаҳаланг, бора қолинг. Не бўлса бўлсин...



Турсунмурод ЭРМАТОВ

...Бегимой момонинг ўйларининг уч-адоғи йўқ. Ҳеч ким кутмаган. Уруғнинг ҳам, аймоқнинг ҳам ёдига келмаган. Ҳақгўй, мўмин, инсофли эди Худойберди. Китоб, Шахрисабз томонлардан чинни олиб келиб тиркичлик ўтказар бир банда...

